

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgt, uzss@yandex.ru • 2021 йил 12 март • №10 (1342)

✉Халқаро ҳамкорлик

ҲАМКОРЛИКДАГИ ЭЗГУ МАҚСАДЛАР

Москвада Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Абдуҳаким Хаджибаев коронавирусга қарши биргаликда курашиш, Вакциналар ва сарумлар институти тиклашга кўмаклашиш ва ҳамкорликнинг бошқа истиқболли йўналишларини муҳокама қилди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Абдуҳаким Хаджибаев бошчилигидаги делегациянинг Россияга ташрифи тўғрисида "Дунё" АА муҳбири куйидагича хабар беради:

Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонаси маълумотига кўра, 28 февралдан 3 мартга бўлган даврда делегация Н. Пирогов номидаги Россия Миллий илмий-тадқиқот тиббиёт университети, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва инсон фаровонлигини назорат қилиш бўйича федерал хизмат, академик В.Шумаков номидаги Миллий трансплантология ва сунъий органлар илмий-тадқиқот маркази ҳамда фахрий академик

Н.Гамалеи номидаги Миллий эпидемиология ва микробиология илмий-тадқиқот марказида бўлди ва уларнинг раҳбарлари билан музокаралар олиб борди.

Россия соғлиқни сақлаш вазири Михаил Мурашко билан учрашувда икки томонлама ҳамкорлик масалалари, жумладан, коронавирус инфекциясига қарши кураш, "Спутник V" ваксинасидан фойдаланиш, Ўзбекистонда Пирогов университети филиалини очиш ва бошқалар муҳокама қилинди.

Россия вакиллари ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан, яқин келажакда икки мамлакат етакчи олимлари иштирокида видеоконференсалоҳа форматда ўзаро ҳамкорликнинг қўшимча имкониятларини

аниқлаш учун қатор мулоқотлар ташкил этишга тайёргилини билдирди.

Фахрий академик Н.Гамалеи номидаги Миллий эпидемиология ва микробиология илмий-тадқиқот марказида бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистонда аниқланган коронавирус штамmlарини биргаликда ўрганиш, шунингдек, мамлакатимиздаги Вакциналар ва сарумлар илмий текшириш институтини қайта тиклашда услубий ва бошқа ёрдамларни кўрсатиш тўғрисида келишувга эришилди.

Ташриф натижаларидан бири – бу трансплантация соҳасида Ўзбекистоннинг нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий маркази ва академик В.Шумаков номидаги Миллий трансплантология ва сунъий органлар илмий-тадқиқот маркази ўртасида битим имзоланиши бўлди. Келишувга мувофиқ, томонлар кенг қўламли масалалар бўйича, шу жумладан, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва



уларнинг малакасини ошириш ҳамда трансплантация соҳасида ҳамкорлик қилишга келишиб олди. ҳуқуқий ва илмий маълумотлар

Имзоланган ҳужжат доирасидаги ҳамкорлик неврологик ва трансплантация ёрдами кўрсатишни кенгайтиришга, тизимли профилактика ишларини йўлга қўйишга ва Ўзбекистонда тиббиёт ходимларини тайёрлаш сифатини оширишга ёрдам беради.

«МЕҲР-САХОВАТ» КЎКРАК НИШОНИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Абдуҳаким Хаджибаев Москвада Россия Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва инсон фаровонлигини назорат қилиш федерал хизмати (Роспотребнадзор) раҳбари Анна Поповага "Меҳр-саховат" кўкрак нишонини топширди, деб хабар бермоқда "Дунё" АА муҳбири.

Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонаси маълум қилишича, маросим чоғида Роспотребнадзор раҳбари Президент Шавкат Мирзиёевга юксак муқофот учун самимий миннатдорлик билдирди.

Пандемия пайтида бир гуруҳ россиялик етакчи мутахассис-

лар ўзбекистонлик ҳамкасblарига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш учун Ўзбекистонга юборилган эди. Роспотребнадзор, шунингдек, Ўзбекистонга 140 минг донa тест тўпламларини юборди.

Бу ўз вақтида коронавирус инфекциясини аниқлаш ва тарқа-

лишининг олдини олишга имкон берди. Бундан ташқари, ушбу ташкилот "СПИД инфосвяз" ташкилоти ва UNAIDS билан ҳамкорликда мамлакатимизга бирламчи тиббий-профилактика, акушерлик, гинекологик, кардиологик ва урологик ёрдам кўрсатишга мўлжалланган кўчма диагностика мажмуаси ҳамда хавфли инфекцияларни (ОИТС, COVID-19 ва бошқалар) текшириш ва аниқлаш бўйича хизматларни тақдим этди.

✉Эътибор ва эътироф

МЕҲНАТЛАРГА БЕРИЛГАН МУНОСИБ РАВБАТ

"8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан муқофотлаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди. Унга кўра, юртимизда олиб бориладиган туб ислохотларда фаол қатнашиб, янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонли-

гини юксалтириш йўлида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келадиганлар учун бир гуруҳ аёллар қаторида тиббиёт соҳасида фаол яратиб келадиган куйидаги хотин-қизлар ҳам фахрий унвон, ордени ва медаллар билан тақдирланди:

II даражали «Саломатлик» ордени билан:

Бекатова Зумрад Раҳимбаевна - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари кўмитаси аъзоси;

Қаландарова Муҳаббат Дурдибоевна - Ургут тумани тиббиёт бирлашмасининг Янгиариқ оилавий шифокорлик пункти мудир, Самарқанд вилояти;

Матниёзова Меҳрибон Отабоевна - Янгиариқ тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими мудир, Хоразм вилояти;

Убайдуллаева Севара Абдуллаевна - Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи;

Хасанова Лола Эмильевна - Тошкент давлат стоматология институтининг малака ошириш факультети декани;

Ҳожиева Дилбар Юсуповна - Ҳозгон шаҳри тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, Навоий вилояти;

Шарипова Висолатхон Ҳамзаевна - Республика шовишнинг тиббий ёрдам илмий марказининг анестезиология ва реаниматология илмий-клиник бўлими раҳбари.

"Соғлом турмуш" медали билан:

Элмуродова Заррина Аслоновна - Оқолтин тумани тиббиёт бирлашмасининг кўп тармоқли марказий поликлиникаси болалар невролог шифокори, Сирдарё вилояти.

"Келажак бунёдкори" медали билан:

Юлдашева Шахло Шухратовна - Урганч шаҳридаги «Sevinch Medical Center» хусусий клиникаси раҳбари, Хоразм вилояти.

"Шухрат" медали билан:

Тожибоева Бухалима Тухтабоевна - Наманган вилояти «Саховат» кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйи катта ҳамшираси;

Юлдашева Ҳамида Исмоиловна - Бухоро вилояти «Мурувват» ногиронлар учун аёллар интернат уйи ҳамшираси.

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвони билан:

Атаниязова Орал Аминовна - Қорақалпоғистон тиббиёт институти ректори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

"Меҳнат шухрати" ордени билан:

Кариева Мунира Джараевна - Тошкент шаҳридаги «Jurabek Laboratories» қўшма корхонаси раҳбари.

"Дўстлик" ордени билан:

Набиева Ирода Эркиновна - Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Даволаш-профилактика маркази бош шифокори;

Хусейнова Абира Амановна - Бухоро давлат тиббиёт институтининг ижтимоий фанлар кафедраси профессори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

Хамкорлик

ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШАЁТГАН ЮТУҚЛАР
ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Абдуҳаким Хаджибаев Қозоғистон соғлиқни сақлаш вазири билан учрашди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигида вазири Абдуҳаким Хаджибаев Қозоғистон Соғлиқни сақлаш вазири Алексей Цой бошчилигидаги делегация гуруҳини қабул қилди. Учрашувда икки томондан ҳам соғлиқни сақлашни рақамлаштириш, мажбурий суғурта тизимини жорий қилиш, санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш, фармацевтика тармоғини ривожлантириш йўналишларининг масъуллари иштирок этди.

Мулоқот чоғида томонлар тиббиёт соҳасида амалга оши-

рилаётган ислохотлар борасида янгиликлар билан алмашдилар. Шунингдек, ҳозирги кунда мамлакатлар ўртасида азалий дўстона муносабатлар янги босқичга чиққанлигини таъкидлаб, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам ўзаро манфаатли ва амалий ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш лозимлигини айтишди.

Учрашувда вазирлар мамлакатлардаги айни пайтдаги мавжуд эпидемиологик вазият тўғрисида маълумот алмашиб, коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича қўрилаёт-



ган чоралар муҳимлигини қайд этишди.

Шунингдек, коронавирус инфекциясига қарши курашиш ва тарқалишининг олдини олишда давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик муҳимлиги айтилди. Жумладан, коронавирус пандемиясини бартараф этиш бўйича бебаҳо тажрибани ҳисобга олган ҳолда, икки томонлама ҳамкорлик доирасида ҳам, халқаро ташкилотларда (ШХТ, МДХ ва бошқалар) ҳам эпидемия ва пандемия ҳолатларида тезкор чоралар қўриш ва ўзаро таъсир ўтказиш бўйича биргаликда самарали чораларни ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидладилар.

Икки мамлакат вазирликлари соғлиқни сақлаш масалаларини

ҳал қилишда яқин муносабат ўрнатиш, стратегик шериклик асосида амалий ҳамкорлик ва ўзаро алоқаларни кенгайтиришга қелишиб олди.

Қозоғистонликлар соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш, соҳада янги технологияларни жорий этиш, фармацевтика тармоғини ривожлантириш,

пандемия даврида катта таълофларсиз эпидемиологик барқарор вазиятни сақлаш борасидаги Ўзбекистон эришаётган ютуқларни юқори баҳолади.

Икки давлат вазирлик раҳбарлари томонидан соғлиқни сақлаш масалалари бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги келишув имзоланди. Келгусида тиббиёт соҳасини рақамлаштириш, мажбурий суғурта тизимини жорий қилиш, санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш, фармацевтика тармоғини ривожлантириш борасида қатор ҳамкорлик лойиҳаларини амалга оширишга қелишиб олишди.

Қозоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Алексей Цой самийий қабул учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Абдуҳаким Хаджибаевга миннатдорлик билдирди ва тиббиёт соҳасида ҳамкорлиқни янада ривожлантириш мақсадида Қозоғистонга ташриф буюришга таклиф қилди.

Шунингдек, делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Бехзод Мусаев ва Қозоғистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Эрали Тугжанов иштирокида Тошкент шаҳрида замонавий тиббиёт ва илм-фаннинг энг сўнгги ютуқлари асосида барпо этилган Болалар миллий тиббиёт марказида бўлишди ҳамда бу ерда беморлар ва тиббиёт ходимлари учун яратилган шароитлар, даволаш жараёнини юқори баҳоладилар.

ПАНДЕМИЯГА ҚАРШИ ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ
ЎРГАНИШГА АРСИЙДИ

Юртимизга ташриф буюрган Қозоғистон Республикаси делегация аъзолари Зангиота туманидаги юқумли касалликлар шифохона-

сида ҳам бўлиб, коронавирусни даволаш борасидаги Ўзбекистон тажрибаси билан танишишди.



Зангиота туманидаги юқумли касалликлар шифохонасининг умумий қиймати 504 миллиард сўм бўлиб, 33 гектар майдондаги 2 та комплексни ўз ичига олади. Бунда юқумли касалликлар хусусияти ва замонавий тиббиёт талаблари инобатга олинган. Муассаса 4 минг ўринга мўлжалланган.

Реанимация бўлимида ҳар бир койка сўнғий ўпка вентилизацияси ва даволаш аппаратлари билан

жиҳозланган. Бу бўлиминг кардиология, неврология, педиатрия каби турли йўналишлар бўйича жиҳозлаш ҳам мумкин.

Лабораторияда вирусология, биокимё ва иммунология, микробиология, паразитология бўйича энг илғор аппаратлар ўрнатилган. Масалан, амалдаги полимер занжирли реакция усулини 5 соатда ўртача 40 киши-



га ташхис қўйса, бу ердаги замонавий жиҳозлар 2 соатда 90 та намунани аниқлаш имкониятига эга. Экспресс-тест усулида қондаги антитаначаларни 10 дақиқада аниқлаш имкони яратилган.

Шунингдек, қабул-диагностика бўлимида мультиспирал компьютер ва магнит резонанс томография, рақамли рентген ҳамда замонавий ультратовуш диагностикасини бир вақтнинг ўзига бажариш мумкин.

— Ўзбекистоннинг қисқа фурсатларда шундай улкан мажмуанинг барпо этгани мамлакатнинг салоҳиятидан дарак беради, албатта, — деди Қозоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Алексей Цой. — Пандемияга қарши Ўзбекистон тажрибаси ўрганишга арзийди. Айниқса, давлатларимиз орасида бу борадаги ҳамкорлик кўпроқ самара беради, деб ўйлаймиз. Чунки бир минтақада яшаётган, иқлим шароитлари, яшаш тарзи бир-бирига яқин бўлган аҳоли орасида вируснинг тарқалиш табиати ҳам бир-бирига яқин бўлиши кузатилади.

Шунингдек, Қозоғистон делегацияси Зангиота юқумли касалликлар шифохонасига ташрифдан сўнг мамлакатимиз фармацевтика корхоналари фаолияти билан ҳам танишди.

www.ssv.uz

ЭМЛАНГАНЛИК ҲАҚИДА
СЕРТИФИКАТ БЕРИЛАДИ

Бу ҳақда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи Баҳодир Юсупалиев маълум қилди.

«Бу жараёнда муҳим аҳамиятга эга шприц таъминоти, хавфсиз қутилар таъминоти ва бошқалар учун республикамизда 6 млрд сўмдан зиёд маблағлар ажратилган ва харидлар амалга оширилган. 10 мингдан ортиқ вакцинадорлар, патронаж ҳамширалари, 33 мингдан ортиқ шифокорлар вакцинацияга тайёргарлик қўришган.

Биринчи навбатда, эмланадиган аҳоли вакиллари электрон рўйхатга олиш ишлари олиб бориляпти. Янги emlash.uz веб-номланган сайт яратилди. Вакцина олган фуқаролар бу сайтда рўйхатдан ўтказиб борилади. Уларга эмланганлик ҳақида тегишли сертификат ҳам берилади», — деди Баҳодир Юсупалиев.

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА
ТИББИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 18-19 февраль кунлари Наманган вилоятига ташрифи давомида ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида берган топшириқлари бўйича Баён қарорига мувофиқ:

Вилоятдаги тиббиёт ходимларига бўлган эҳтиёжни таъминлаш мақсадида Наманган давлат университетида 2021/2022 ўқув йилидан тиббиёт факультетини ташкил этиш чоралари қўрилади. Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади:

2021 / 2022 ўқув йилидан бошлаб, тиббиёт факультетига талабалар қабул қилинади;

• тиббиёт факультетига кадрлар тайёрлашда методик ёрдам бериш учун Андижон дав-

лат тиббиёт институти бириктирилади;

• тиббиёт факультети талабаларининг амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида вилоятдаги тиббиёт муассасаларига интеграциялаштирилади;

• вилоятдаги илмий салоҳиятли ва малакали тиббиёт ходимлари педагогик фаолиятга жалб этилади.

http://xs.uz

Мутахассис маслаҳати

"COVID-19" га қарши кимларга эмланиш тавсия этилмайди? Эмлангандан кейинги асоратлар бўлиши мумкинми? Эмлаш тadbирларини амалга ошириш пайтида ушбу вакцинани ишлаб чиқарган ташкилотнинг тавсияларига амал қилинади. ОИВ инфекциясига ёки аутоиммун касалликларига чалинган шахсларни, шу жумладан анамнезидан оғир аллергия реакциялари мавжуд бўлган шахсларни, ҳомилдорларни, эмизликли аёлларни ва 18 ёшгача бўлган аҳоли қатламини эмлаш тавсия этилмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам эмлаш тўғрисидаги қарор тиббий кўрик натижасида қабул қилинади. Мабодо эмлашга монеълик қиладиган у ёки бу турдаги ҳолатлар кузатилса, тиббий кўрик ўтказиётган шифокор, албатта, унга эътибор қаратади.

Коронавирус билан касалланган шахслар билан яқин алоқада бўлганларни эмлаш мумкинми? Буни қаерда ва қандай амалга ошириш мумкин? Албатта, коронавирга билан касалланган одамлар билан яқин алоқада бўлган шахслар карантин (14 кун) тугагандан кейин, шифокор кўригидан сўнг эмланади. Эмлангандан кейинги асоратларнинг олдини олиш борасида қандай ишлар қилинган? Коронавирусга қарши эмланган шахслар патронаж тиббиёт ходимлари томонидан

КИМЛАРГА ЭМЛАНИШ ТАВСИЯ ЭТИЛМАЙДИ?



эмлангандан сўнг 30 дақиқа давомида кузатиб турилади. Кейинчалик уч кун давомида уйига ташриф буюриш йўли билан мунтазам тиббий кузатувга олинади. Уларнинг соғлиги, аҳоли кўздан кечирилиб, тегишли ҳужжат билан расмийлаштирилади.

Барча эмлаш масканларида мутахассислар (вакцинаторлар), асбоб-анжомлар ва биринчи тиббий ёрдам учун зарур бўлган

дори-дармонлар захираси яратилади. Эмлаш мутахассислари эмлашдан кейинги салбий реакцияларни аниқлаш ва лозим бўлган тақдирда тегишли тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича тайёргарликдан ўтказилган. "COVID-19" га қарши эмланиш билан боғлиқ аллергия реакция кузатишган ҳолларда тез тиббий ёрдам бригадалари ҳам жалб этилади.

Яна бир бор таъкидлаб ўтамиз, фуқаролар эмланишдан олдин, албатта, тиббий текширувдан ўтказилади. Бу қутилмаган асоратларнинг олдини олишга замин яратади.

Нурмат АТАБЕКОВ,

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи ўринбосари.

"COVID-19" ГА ҚАРШИ ВАКЦИНА ХАВФСИЗМИ?

Юртимизда ҳам жорий йил коронавирус инфекциясига қарши аҳолини оммавий эмлаш жараёни ўтказилиши режалаштирилмоқда. Вакциналар пандемияни тўхтатишга қодирми? У ўзи нима учун керак?

Олимларнинг таъкидлашича, касаллик юқишининг эпидемик жараён занжирини ўзиш учун аҳолининг камида 60-70 фоизидан иммунитет мавжуд бўлиши керак. Бунинг қанчалик тез содир бўлиши кўпгина омиларга боғлиқ. Хусусан, вакциналарнинг самарадорлиги қанчалик тез исботланиши, ЖССТ томонидан тасдиқланиши, ишлаб чиқарилиши ва етказиб берилиши ҳамда эмланувчи аҳоли қатламининг шакллантирилиши кабиларга ҳам боғлиқ. "COVID-19" га қарши вакцинация ўзи нима учун керак? Коронавирусга қарши эмлаш пандемияни жийовлашга ёрдам беради. Вакциналар иммунитет тизимини мустаҳкамлаб, сизга юқиши мумкин бўлган вирусларга қарши курашишда иштирок этади. Биз эмлаш орқали нафақат ўзимизни, балки атрофимиздагиларни ҳам ҳимоя қиламиз.

"COVID-19" ни келтириб чиқарадиган вирус жуда осон юқади. Фикримизча, аҳолининг 60-70 фоизидан ушбу касалликка қарши иммунитетни шакллантирмай туриб, унга қарши самарали кураша олмаймиз. Шу ўринда дунё бўйича касалланганларнинг 3-5 фоизи вафот этганлигини, улар орасида яқинларимиз ҳам бўлиши эҳтимоли мавжудлигини эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Ниқоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш, антисептик воситалардан фойдаланиш ва жамоат жойларига боришдан ўзини тийиш кабилар вирус юқиши ёки уни бошқаларга юктириш эҳтимолини камайтиришда самарали амал сифатида ҳисобланишига қарамайдан, бу чоралар пандемияни жийовлаш учун етарли эмас.

"COVID-19" га қарши вакцина хавфсизми? Ўзбекистон Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкilotи (ЖССТ) томонидан самарадорлиги тан олинган, хавфсизлиги қафолатланган ва факулподда ҳолатларда коронавирга касаллигига қарши эмлаш учун ишлатишга тавсия этилган вакциналардан фойдаланади.



КОРОНАВИРУСДАН СОҒАЙГАНЛАР ВАКЦИНА ҚАБУЛ ҚИЛИШИ МУМКИНМИ?



"COVID-19" га қарши эмлаш тadbирлари қачон бошланади ва кимлар биринчи галда эмланади? Улар қаерда эмланади? Коронавирус инфекциясидан касалланиб, соғайганлар ҳам вакцина қабул қилиши керакми?

► Коронавирусга қарши эмлаш ишлари кўп тармоқли марказий поликлиника, оилавий поликлиника, оилавий шифокор пунктларида ва мобил гуруҳлар томонидан амалга оширилади. Худудий амбулатория-поликлиника хизмати томонидан фуқароларга эмланадиган кунни, вақтни ва жойи хақида, албатта, хабар берилади.

Ҳа, вируснинг ўзгача равишда мутацияга учраши, "COVID-19" билан боғлиқ хавфларнинг юқорилиги ва коронавирга билан қайта касалланиш эҳтимолининг борлиги сабабли, ушбу касаллик билан аввал касалланган бўлишидан қатъи назар, эмланиш тавсия этилади. Ўзбекистонда "COVID-19" га қарши кимлар биринчи галда эмланади? Дастлаб ЖССТнинг тавсиясига

кўра ва дунёдаги бошқа давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда, Соғлиқни сақлаш вазирининг жорий йил 15 февралдаги тегишли буйруғига асосан, аҳоли касаллиқни юктириб олиш хавфига қараб тоифаларга бўлинган. Демак, олиб келинган вакциналар билан эмлаш ҳам

Эмлаш ишларини эса махсус тайёргарликдан ўтган, алоҳида сертификатларга эга бўлган вакцинаторлар амалга оширади.

шу кетма-кетликда амалга оширилади.

Унга мувофиқ:

• Юқиш хавфи жуда юқори бўлганлар: 65 ёшдан катта бўлганлар (65-74, 75-84, 85 ёш ва ундан юқори), тиббиёт ходимлари, сурункали касалликлар билан диспансер назоратида турувчилар;

• Юқори хавф остида бўлганлар: Куролли кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, журналистлар, блогерлар, ОАВ ходимлари, транспорт ходимлари (метро, темир йўл, аэропорт), мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларда хизмат қиладиган ходимлар, чет давлатларда таъсил олувчи талабалар, Меҳнат мигрантлари кетма-кетликда эмланиши режалаштирилмоқда. Шундан кейингисини аста-секин аҳолининг бошқа қатламлари ҳам қамраб олинади. Фуқаролар қаерда эмланади?

Коронавирусга қарши эмлаш ишлари кўп тармоқли марказий поликлиника, оилавий поликлиника, оилавий шифокор пунктларида ва мобил гуруҳлар томонидан амалга оширилади. Худудий амбулатория-поликлиника хизмати томонидан фуқароларга эмланадиган кунни, вақтни ва жойи хақида, албатта, хабар берилади.

Айни пайтда кўпгина мамлакатларда "COVID-19" вирусига қарши оммавий эмлаш жараёни амалга оширилмоқда. Юртимизда ҳам жорий йил коронавирга инфекциясига қарши аҳолини оммавий эмлаш жараёни ўтказилиши режалаштирилмоқда. Шу

боис, кенг жамоатчиликда вакцина ўзи нима экани, у қандай ишлаши, оммавий эмлаш жараёни қай тартибда олиб борилиши билан албатта, қизиқади. Бу тўғрисида қуйидаги фикрларни билдириб ўтмоқчимиз.

ВАКЦИНАЛАР ҲИМОЯНИ КАФОЛАТЛАЙ ОЛАДИМИ?

Вакциналар қандай ишлайди? Вакцина — бу микробнинг (вирус ёки бактерияларнинг) заифлашган, зарарсиз бўлган бўлиб, танангизнинг табиий иммунитетини билан биргаликда касаллик юқиш хавфини камайтиради. Вакцина танангизга юборилгандан кейин иммунитет тизимингиз тананга кирган микробни аниқлайди ва бу микробга қарши курашиш учун антитаначаларни ишлаб чиқариб, у билан қандай курашиш кераклигини эслаб қолади. Агар келгусида ушбу микроб таъсирга яна дуч келсангиз, иммунитет тизимингиз уни қандай йўқ қилишини билади, сиз касал бўлмайсиз. Шундай қилиб, вакцина тананда касалликка қарши иммунитетни ишлаб чиқишга кўмак берувчи хавфсиз ва самарали восита саналади. Касаллик пайдо бўлгандан кейин уни даволаш

дан кўра, эмлаш орқали касалликларнинг олдини олиш мақсадаги мувофиқ. Вакциналар узоқ муддатли ҳимояни кафолатлай оладими? Бу саволга жавоб бериш учун қўшимча тадқиқотлар ўтказилиши талаб этилади. Мавжуд маълумотларга кўра, "COVID-19" вирусидан тузалган одамларнинг аксариятида иммунитет шаклланади. Унинг давомийлиги қанча муддат сақланиб туришини вақт кўрсатади.

"COVID-19" ни юктириш оқибатида шаклланиган иммунитет кучлими

"COVID-19" вакциналарининг реал ҳаётда қандай таъсир қилиши хақида айни пайтда барча халқаро илмий-текшириш институтлари ва нуфузли вакцина ишлаб чиқарувчи компанияларда изланишлар олиб боришмоқда. Эмлашдан кейинги иммунитет давомийлиги хақида бир нарсани аниқ айта оламиз, барча тадқиқотчилар томонидан ушбу вакциналар қабул қилингандан кейин тўлиқ бир йил давомида касалликка қарши иммунитет ҳосил қилиши таъкидланмоқда.

Ботир ҚҮРБОНОВ,

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи ўринбосари.

Наманган вилояти

АНИҚ РЕЖАЛАР БИЛАН ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР САРИ

Жорий йил вилоятимиз тиббиёти тараққиётида ҳам ўзига хос босқич бўлиши шубҳасиз. Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилган вазифалар, айниқса яқинда Наманганга ташрифлари чоғида белгилаб берган йўл-йўриқлари асосидаги сатъ-ҳаракатларимиз шундан далolat беради. Қолаверса, "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш борасидаги интилишларимизни бир-роҳ лаҳза сусайтирмасликка ҳамisha бурчлимиз.

Бугун вилоятимиз тиббиёт ходимларининг билими, маалакаси ва бор салоҳияти ана шу масъулиятли ва шарафли вазифаларни изчил амалга оширишга йўналтирилган. Январ ойида бутун куч ва имкониятлар соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизими ишини янги ва юқори даражага кўтаришга қаратилди. Яъни, муҳтарам Президентимизнинг "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмлари жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган испохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 6110-сонли Фармони асосидаги кенг қамровли ишлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолини саломатик гуруҳларига ажаратиш, сурункали касалликларни мавжуд беморларни соғломлаштириш тадбирлари олиб борилмоқда.

Мазкур Фармон ижроси тўғрисида аҳолини самарали патронаж хизмати ва профилактик тадбирлар билан қамраб олиш 100 фоизга етади, соғлом турмуш тарзи ҳамда тўғри овқатланиш маданияти кутилган даражада шакллантирилади. Аҳоли орасида онкологик касалликлар 1-2 босқичларида аниқланиши 60 фоизгача етказилади, диабет олди ҳолатларнинг эрта аниқланиши билан мазкур касалликлар кўрсаткичи 20 фоизга камайтирилади. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолияти яхшиланиши натижасида аҳолининг республика тиббиёт муассасаларига тўғридан-тўғри мурожаатлари кўрсаткичи янада пасайтирилади.

Даставвал, Наманган шаҳри ва Тўрақўрғон тумани аҳолиси тиббий хатловдан тўла ўтказилди. Тиббий хатлов натижасида аҳолининг 36,2 фоизиди ортиқча вазн, 13,6 фоизиди семизлик, 40,8 фоизиди кўп туз, 37,2 фоизиди мева ва сабзавотлар кам истеъмол қилиш каби саломатликка зид кўрсаткичлар қайд этилди.

Тиббий хатлов ва антропометрик ўлчов жараёнлари айна пайтада бутун вилоятни қамраб олган. Унинг якунида бизга аҳолининг касалланиш ва саломатлик кўрсаткичлари янада ойдинлашади.

Февраль ойида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан "Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!" шiori

остида саломатлик акцияси ўтказилди. Акция давомида аҳолига "маҳаллабай" тизимида манзилли тиббий хизмат кўрсатилди. "Темир дафтарга" кирилган ҳамда ногиронлиги бўлган кишиларнинг хонадонларига пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг олим ва етук мутахассислари боришиб, уларни ўз уйларида тиббий кўриқдан ўтказишди.

Акция доирасида барча туманларда "маҳаллабай" тизимида иш олиб борилди. Яъни 775 та маҳалладаги 37 007 нафар "Темир дафтар"даги ва ногиронлиги бўлган, юқори хавф гуруҳидаги фуқаролар тиббий кўриги ташкилланди. Улар орасидан ихтисослаштирилган тиббий

пик уретролизис ва стентлаш илк мартаба вилоятини ўзида амалга оширилди.

Болалар жарроҳлиги йўналишида 14 нафар бемор болаларда тўғма нуқсонлар, яъни қаттиқ ва юмшоқ танглай тўғма ёриги ҳамда юқори лаб танглай аномалияси мураккаб бўлган хейлопластика ва велоластика йўли билан бартараф этилди.

Яна бир муҳим жиҳат - трансплантология йўналишида РШТЕИМда 3 нафар беморга буйрак кўчириб ўтказилди.



бўлган болалар билан ишлаш бўйича яратилган алоҳида тизимдан самарали фойдаланиш кўзда тутилган.

Таъкидлаш ўринлики, вилоятимизда сифат жиҳатидан янги, замон талабларига жавоб берадиган бирламчи тиббиёт ва ўнлаб йўналишларга ихтисослаштирилган марказларни ўз ичига олган ишончли тизим мавжуд. Бирламчи тиббиёт соҳасида электрон поликлиникалар тармоғини яратиш бўйича кенг қўламли ишларга киришилмоқда. Бунинг натижасида аҳолининг тўлиқ маълумоти шаклланади, ўз навбатида фуқароларимиздан маълумотномалар талаб қилавериш каби ҳолатларнинг олди олинади. Ҳар бир фуқаро республиканинг қаерида яшайдан қатъий назар тезда зарур маълумот ва тиббий ёрдам олишига тўла имконият яратилади.

Яна бир муҳим янгилик - вилоятимизда Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларнинг филиалларини ташкил этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда бу топшириқ ижроси юзасидан вилоят даволаш-профилактика муассасаларида Марказлар директорлари билан биргаликда низоми, йиллик иш режалар ишлаб чиқилган. Бундай филиаллар қўллаб беморларга ва уларнинг яқинларига керакли қўлайликлар туғдиради. Республика ихтисослаштирилган марказларнинг профессорлари ва бош мутахассисларининг вилоятдаги филиалларга ташрифи кўпаяди, Наманганнинг ўзидаги даволаш-профилактика муассасаларида юқори технологик жарроҳлик амалиётларини ўтказиш ҳамда беморларга онлайн тарзда маслаҳатлар бериш йўлга қўйилади.

Вилоятдаги Нейросенсор карликка чалинган ёки заиф эшитадиган болалардан 10 нафари республика марказлари мутахассислари томонидан тиббий текширувлардан ўтказилди. Уларда режали амалиётларни ўтказиш вақти белгилаб олинди. Вилоятда 5 ёшгача бўлган болалар, туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, ногиронлиги бор, қон-томир, онкологик, эндокрин касалликларга мойиллиги

2021 йилда вилоятимиз тиббиёти тараққиётида туб бурилиш ясаилишига ишончимиз комил. Ахир йил учун белгиланган Давлат дастуридаги долзарб вазифаларнинг тўла баҳарилиши учун шароитимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етарли бўлиши кафолатланган.

Абдулҳоди ИМИНОВ,
Наманган вилояти
соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи.



ёрдамга муҳтож 27040 нафар бемор саралаб олинди ва ҳолатига қараб даволаш чора-тадбирлари кўрилди. Беморлардан 174 нафариди юқори технологик жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. Жумладан:

- Травматология йўналишида 4 нафар беморда мураккаб бўлган чанок-сон бўғими эндопротезланди;

- Кардиожарроҳлик йўналишида Наманган вилоятида биринчи бор бир нафар беморда сунъий қон айлантириш ва кардиооплегия шароитида Митрал ва Аортал клапан потезлаш ҳамда 29 нафар беморда аорта коронариунтлаш кардиожарроҳлик амалиётлари муваффақиятли ўтказилди;

- Нейрожарроҳлик йўналишида 9 нафар беморда, вилоятда шу кунга қадар амалга оширилмаган Қранчо Вертебрал бурчак декомпрессия жарроҳлик амалиёти бажарилди.

- Урология йўналишида эса 14 нафар беморда пиелопластика, уретропластика амалиётлари ҳамда видео-лапароскопик нефро-уретроэктомиа ва ўнг томонлама лапароско-

псия амалиётлари ўтказилди. Ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнида 22 минг нафардан зиёд бемор амбулатор шароитда, 4 ярим мингдан ортиқ бемор стационар шароитда соғломлаштирилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, вилоят миқёсида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат самарадорлигини тобора ошириш учун астойдил изланишлар олиб борилмоқда. Энг олис қишлоқларда яшовчиларга ихтисослаштирилган тиббий хизматни янада яқинлаштириш чоралари кўрилмоқда. Вилоят даволаш-профилактика муассасаларининг таниқли олим ва етук мутахассисларидан иборат бўлган тиббий бригадалар бу хайрли ишга сафарбар этилмоқда.

Поп туманининг Найман, Гулистон, Чодак, Парда Турсун, Олтинкон, Чуст туманининг Гова, Янги ҳаёт, Тинчлик ва Юқори, Мингбулоқ туманининг Гулбўғ, Алами, Қорашаҳар, Қоқовул, Янгиқўрғон туманининг Бекобод, Бўстон, Янгиобод маҳаллаларида барча аҳоли ихтисослаштирилган чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Беморларда аниқланган

Мутахассис маслаҳати

НЕГА БАҲОР МАВСУМИДА АЛЛЕРГИЯ КУЧАЯДИ?

Баҳор келиши билан кўпчиликни бир муаммо — мавсумий аллергия безовта қила бошлайди. Аллергия ўзини нега баҳор мавсумида аллергия кучаяди? Аллергия — организмга таъсир қиладиган ёки тана билан алоқада бўлган, масалан, ҳайвонларнинг жуни, чанг ёки ари захри каби моддаларга иммун тизимининг жавобидир. Аллергик реакцияни келтириб чиқарадиган модда “аллерген” деб аталади. Аслида улар зарарсиз моддалар ҳисобланади.

Аммо инсон танаси сезувчанлигининг ортиси сабаб, яъни иммун тизимидаги бузилиш оқибатида тана хавфсиз моддаларни хавфли деб қабул қилади ва ҳимоя тизими ишга туширади. Натижада эса бурун оқиши, кўз ёшланиши, қичишиш, тери тошмалари пайдо бўлади. Маълумки, баҳорда содир бўладиган табиат ўзгаришлари, дарахтлар гуллаши, ўсимликлардан ажралладиган чанг зарралари организмга турлича таъсир кўрсатади. Ана шу вақтда иммун тизими сустлашган бўлса, аллергияга мойиллик юз бериши мумкин. Иммунитетни мустаҳкамлаш чораларини кўриш, аллергия хуружидан сақланишнинг биринчи усулидир. Мавсум аллергияси асосан гулчангларни эвазига юз беради ва тиббиётда поллиноз деб аталади. Аллергияни уч даврга бўлиш мумкин. Бошланғич даври — март ойининг бошидан май ойи ўртасигача, яъни дарахтлар гуллаши пайтига тўғри келади.

Иккинчи даври май ойидан июлнинг охири, август бошигача давом этади. Бу вақтда дала ўтларининг гуллаши юз беради. Учинчи даври эса бошоқли ўсимликлар гуллаши билан боғлиқ бўлиб, август ойидан ноябргача ҳўзилади.

Аллергиянинг ўзига хос белгилари қуйидагича: Аллергик инсон аллергия билан тўқнашганда, аллергия реакция дарҳол юзага келмайди. Иммун тизими аста-секин моддага нисбатан сезирликни оширади. Вақт ўтиб, тана ўзига хос юқори сезирликка эга бўлади, бу жараён сенсibiliзация деб аталади. Баҳор мавсумида аллергия кўпинча чанг ва гулчангига нисбатан кўзгалади. Унинг симптомлари қуйидагилардир:

- бурун битиши;
 - кўзларнинг қичиши;
 - бурундаги қичишиш;
 - ринит;
 - кўзларнинг шишиши;
 - кўзларнинг ёшланиши.
- Теридаги аллергия аломатлари:
- тери пўст ташлаши;
 - қичишиш;
 - тери қуруқлашиши;
 - тери қизариши;
 - терида қизғиш тошмалар пайдо бўлиши.

Баҳор мавсумида ушбу белгиларга дуч келсангиз, албатта, алерголог мутахассисга мурожаат қилишни тавсия этамиз. Сабаби — ўзбошимчалик билан нотўғри даво чораларини қўллаш аллергияни кучайтириш ёки бошқа хасталикларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Хусусан, астма касаллиги келиб

чиқиш эҳтимоли юқори ҳисобланади.

АЛЛЕРГИЯДАН БУТКУЛ ҚУТУЛИШ МУМКИНИ?

Аҳоли орасида аллергияни ташхислаш усуллари қандай? Касалликдан буткул қутулиш мумкинми? деган саволлар туғилиши табиий. Ҳа, албатта, аллергияни аниқлашнинг бир неча йўли бор. Шифокор беморга аллергиянинг келиб чиқиши, қачон пайдо бўлиши, аллергия белгилари ҳақида саволлар беради. Бундан ташқари, оиланинг бошқа аъзоларида аллергия борми, деб сўралади. Суҳбат давомида беморда аллергия бор йўқлигини билиш мумкин. Бундан ташқари, уни аниқлаш учун қатор тестлар мавжуд.

Қуйида баъзи мисоллар келтирилган:

• қон таҳлили — иммунитет тизими томонидан чиқарилган IgE антитаналари даражасини ўлчади.

• терини тилиш — бу ҳам турли антибиотикларни қабул қилишдан олдин тест сифатида танулган. Тери шприцнинг учи билан тирналади ва бу жойга бироз камроқ аллергия кўпчилигида.

Агар тери реакцияси (қичишиш, қизариш ва шиш) бўлса, бу аллергия мавжудлигини билдириши мумкин. Касалликни даволаш тўғри ташхис қўйишдан бошланади. Кўпчилик, аллергияни бутунлай йўқотишнинг имкони йўқ деб ҳисоблайди. Аслида эса, шифокор тавсияларига тўлиқ амал қилган ва парҳезни қанда қилмаган кишилар дарддан ҳолос бўлиши мумкин. Касалликдан буткул қутулишимиз учун алергик касалликларни даво-



лашда хасталикнинг бошланган вақтига эътибор беришимиз керак. Бу жуда муҳим бўлиб, касаллик қанчалик тез ривожланиб бора, организм учун шунчалик хавфли ҳисобланади. Сурункали касаллик бўлгани учун аллергияни бутунлай организмдан йўқотиб юбориш анчагина мушкул. Касалликнинг олдини олиш учун соғлом турмуш тарзига амал қилиш керак.

Булар қуйидагилардан иборат: мавсумий чанг аллергияси вақтида бошқа жойга вақтинча кўчиб ўтиш, агарда ҳар қандай гулга аллергиянгиз бўлса, уй бўлганда даволамайди.

Аллергияни даволашда амалиётда кенг қўлланиладиган даволаш усули — иммунотерапия ҳисобланади. Алерген иқдорни даволаш курси давомида оширилиб борилади. Ушбу усул билан даволаш давомида алергик касалликнинг енгиллашишига ёки бутунлай даволаниб кетишига эришиш мумкин.

Илмира РАЗИКОВА

Республика илмий-иختисослаштирилган алергология маркази раҳбари, тиббиёт фанлари доктори

Услубий ёрдам

ПАТРОНАЖ ҲАМШИРАЛАРИ УЧУН МУҲИМ ҚўЛЛАНМАЛАР

БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) Соғлиқни сақлаш вазирлигига патронаж хизматининг универсал прогрессив модели бўйича ўқув қўлланмаларни топширди. Вазирликда ўтган маросимда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мунир Мамедзаде ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутасадди раҳбарлари иштирок этди.



Маълумки, Президентимизнинг 2020 йил 10 ноябрдаги “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан, болаларнинг 5 ёшгача бўлган даврда оптимал ривожланиши ва ўсишини таъминлаш мақсадида 2022 йил 1 январга қадар босқимча-босқич ҳомиладор ва туғруқдан кейинги даврдаги аёллар ҳамда 5 ёшгача болалари мавжуд оилаларга амалдаги штатлар доирасида алоҳида патронаж ҳамшира-

илмий далилларга асосланган халқаро тавсиялар ва стандартлар бўйича ишлаб чиқилган. Улар патронаж ҳамшираларнинг касбий билим ва кўникмаларини оширишда йўриқнома бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, патронаж дастурлари оталик-оналик кўникмаларига ижобий таъсир кўрсатади. Фарзандлар ва ота-оналарнинг саломатлиги ҳамда фаровонлигини яхшилайд.

“Интеграциялашган оилавий хизматлар тўплами трансформацион модел бўлиб, оилага кўрсатиладиган хизматларни тақдим этиш бўйича катта салоҳиятга эга. Соғлиқни сақлаш тизими шаҳар ва қишлоқ жойларида, шу жумладан, олис ҳудудларда оилалар, ҳомиладор аёллар ва ёш болалар билан мулоқот қилиш учун муҳим аҳамият касб этади,” — дейди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мунир Мамедзаде. - Патронаж дастурлари индивидуал ёрдамни таъминлашда, муҳтож оилаларга ва жамоаларга тўғридан-тўғри ёрдам кўрсатишда, ота-оналар ҳамда парваришловчиларни қўллаб-қувватлашда, шунингдек, уларнинг ёш болалари учун энг яхши шароитларни яратишда асосий ўрин тутати” — дея таъкидлади.



Патронажнинг универсал прогрессив моделини жорий этиш ижтимоий иқтисодий қийинчиликларини, психологик ижтимоий стрессни ва бошқа нохуш ҳолатларни бошдан кечириётган парваришловчиларга кўмак беришни яхшилайд. Бу эса уларга ўзлари ва фарзандлари тўғрисида ғамхўрлик қилишларида ёрдам беради.

Йўриқнома ва китобчаларни

ишлаб чиқиш ва нашр этиш универсал-прогрессив патронаж моделини амалга оширишдаги биринчи қадамдир.

ЮНИСЕФ Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ушбу йўналишдаги ишларни давом эттиришни режалаштирган. Ҳозир патронаж ҳамшираларни янги услубга ўргатадиган тренерлар гуруҳи тайёрланмоқда.

Янги модел ҳамшираларининг диплом олди ўқиш ва малака ошириш тизимига киритилади. Барча ҳарақатлар натижасида тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, ёрдам ва ғамхўрликка муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашда хизмат қилиши шубҳасиздир.

Ибодат СОАТОВА.

ТИББИЁТ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ РЕКТОРЛАРИ ЎЗАРО МУЛОҚОТ ЎТКАЗДИ

Тошкент педиатрия тиббиёт институтида "Ўзбекистонда учинчи ренессанс пойдеворини қуришда илм ва амалиётда профессионал кадрлар тайёрлаш – давр талаби" мавзусида Республика олий тиббий таълим муассасалари ректорларининг навбатдаги раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда миллий тиббиёт ва фармацевтика таълимини модернизация қилиш, ушбу соҳага халқаро таълим стандартларини жорий этиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек, таълим олаётган ёшларга маънавий-ахлоқий тарбия беришнинг самарали тизимини яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга ошириш масалалари борасида сўз борди.

2020-2021 ўқув йилидан бошлаб юртимиздаги олий таълим муассасаларида босқичма-босқич жорий этилаётган кредит-модул тизимини тиббиёт таълим муассасаларига мослаштирилган шаклда татбиқ қилиш масалалари кўриб чиқилди.



— Кейинги йилларда тиббиёт таълим тизимига катта эътибор қаратилмоқда,— дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори Ботир ДАМИНОВ. — Андижон, Сурхондарё каби вилоятларимизда йиллик тиббиёт олий ўқув юртлари

филиаллари очилгани, Қорақалпоғистон Республикасида тиббиёт институти, Фарғонада жамоат саломатлиги институти ташкил этилгани, бир қатор хорижий олий таълим муассасаларининг қўшма таъ-

рижий давлатларнинг ўқув дастурлари орқали яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, етук кадрларни тайёрлашдир. Малакали шифокор тайёрлаш учун ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қи-

раёсат йиғилишида юртимиздаги тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлари таълим тизимини янада такомиллаштиришда ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш масалалари муҳофаза қилинди. Тиббиёт олий ўқув юртларида умумий ўтиладиган фанлар учун ягона мукамал ўқув дастурларини биргаликда тайёрлаш бўйича келишиб олинди.

Бир сўз билан айтганда, йиғилишда малакали кадрларни тайёрлаш, соҳада янги илмий изланишларни олиб бориш йўналишида қандай ишларни олиб бориш бўйича аниқ режа ва тактифлар кўриб чиқилди.

Маълумот учун, мамлакатимизда тиббиёт соҳаси учун 9 та олий таълим муассасаси ва уларнинг 2 та филиалида малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

Соғлом оила—мустақкам оила

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

2021 йил Президентимиз томонидан "Ёшларни қўлаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақкамлаш" йили деб элон қилинди. Ушбу муносабат билан ҳудудларда жадал ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан Навоий вилояти Хатирчи туманининг Уйшун қишлоғи туман марказидан анча олисда. Уйшунликлар учун кўп нарсаси муаммо. Йўл босиб туман марказига бориб тўлиқ тиббий кўрикдан ўтишга кимда имкон бору, кимда йўқ.

O'zLiDeP Навоий вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" мазкур шарт-шароитни ҳисобга олиб, Хатирчи туманининг "Гулистон" маҳалласида "Соғлом оила—мустақкам оила" лойиҳаси доирасида бепул тиббий кўрик ташкил этди.

"Соғлом авлод учун" Халқаро Хайрия Жамоат фонди Навоий вилояти бўлими билан ҳамкорликда аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, чекка ҳудудларда яшаётганларда учрайдиган турли касалликларни

вақтидан кечиктирмай аниқлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни зарурий дори-дармонлар билан таъминлаш мақсадида малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда ташкил этилган тиббий кўрикда 200 га яқин Уйшунликлар ўз саломатликларини текширувдан ўтказди. Айниқса, уйи, иши ёки турмуш таъшишдан ортмайдиган 120 нафар аёллар учун окулист, гинеколог, терапевт, педиатр кўриги ҳамда УЗД, кардиограмма ва қон таҳлилини аниқлаштиришга қўлай имконият яратилганлиги халқи-

миз саломатлиги йўлида мунтазам амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг бир намунаси бўлди.

"Бугунги тиббий кўрикда 15 йилдан буён фарзанд кўрмай юрган аёлда эгизак ҳомила борлиги аниқланди. Аёлнинг қанчалик хурсанд бўлганини сўз билан ифода қилиб бўлмайди. Кўрикда мутахассис бўлиб қатнашганимдан ҳам қувониб кетдим. Тиббий кўриқларнинг олис ҳудудларда ташкил этилиши шифокорларимиз учун бир оз қийинчилик туғдирса-да, аҳоли орасида қўтилмаган юкүмли касалликлар тарқалишининг олдини олибгина қолмай, балки одамларимизда соғлом жамият ривожини учун ўз саломатлигини назоратга олиши кераклигини ҳам ўқтиради" - дейди олий тоифали шифокор О. Қасимов.

Кўриш қобилияти пасайганлар учун кўзойнақлар тарқатилиши айрим сабаблар билан бекор қилинган бўлса-да, Уйшун аҳли-



га ҳомиладор аёллар, болалар ва қариялар, шунингдек, сурункали касалликка чалинган беморлар учун бир неча турдаги бепул дори-дармонлар тарқатилди. Мазкур тадбирда Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши O'zLiDeP депутати М.

Эшниеъов фаол иштирок этди.


Мафтуна ҚУРБОНОВА, Навоий вилояти Хатирчи тумани Халқ депутатлари Хатирчи туман Кенгаши котибияти бош мутахассиси.

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТЎПЛАМИ БЕПУЛ ТАРҚАТИЛДИ



Бухоро шаҳар 4-сон оилавий поликлиникасида вилоят соғлиқни сақлаш бoshқармаси бошлиғи, Ғ. Саидов ҳамда халқ партия депутатлари томонидан аҳолининг сайёр қабули ўтказилди.

Унда аҳолининг мавжуд муаммолари тингланиб, жами 25 нафар фуқароларга муаммолари бўйича амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, оилавий поликлиника ҳудудида истиқомат қилаётган аҳоли вилоятнинг 14 турдаги тор доирадаги етакчи мутахассислари томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди Бухоро ҳудудий филиали томонидан жами 60 та оиланинг 256 нафар фуқароларига 12 турдаги қиймати 324 миллион сўмлик дори воситалари тўплами бепул тарқатилди.



ЗДОРОВЫЙ ОБРАЗ ЖИЗНИ

КАЧЕСТВЕННАЯ ПИТЬЕВАЯ ВОДА - НАДЁЖНЫЙ ЗАЩИТНИК

Каждый человек ежедневно употребляет около трех литров жидкости, которая попадает в организм в качестве питьевой воды, вместе продуктами питания и различными напитками.

В условиях жаркого климата характерного для нашего региона вопросы обеспечения населения доброкачественной питьевой водой приобретают огромное значение. Этим ответственным делом занимаются специалисты службы «Сувокава». Очистка и обеззараживание питьевой воды ими производится на специально построенных очистных водозаборных сооружениях. Качество и полноценность обеззараживания подаваемой населению воды находится под регулярным контролем, как производственных объектов, так и сотрудниками лабораторий центров санитарно-эпидемиологического благополучия Ташкентской области. Ежегодно для оценки качества водопроводной воды Центрами санитарно-эпидемиологического благополучия проводится более 6100 химических и 17000 бактериологических исследований. В случае обнаружения отклонений от существующих нормативов принимаются эк-

стренные меры по устранению причин послуживших ухудшению показателей качества вплоть до приостановки подачи населению. Если в употребляемой населением питьевой воде обнаруживается высокое содержание жесткости и различных солей (кальция, магния, железа и других) это может привести к заболеваниям почек, опорно-двигательного аппарата, мочеполовой системы, вызвать другие соматические заболевания. Бактериологические загрязнения возникающие из-за отсутствия или некачественного обеззараживания, а также изношенности водопроводных сетей могут вызвать различные кишечные заболевания, брюшной тиф, дизентерию, вирусный гепатит "А" и даже холеру.

Некоторые жители сельских районов используют для питьевых целей воду трубчатых и шахтных колодцев находящихся



в индивидуальных домовладениях. Глубина данных колодцев не превышает 8-10 метров, следовательно, их подпитка осуществляется грунтовой (незащищенной водой). По данным лабораторных исследований, такая вода отличается жесткостью и загрязненностью. Чтобы убедиться в безопасности подобных источников необходимо регулярно проводить химический и бактериологический анализ качества, определять возможность его безопасного использования для питьевых и прочих нужд.

В целях обеспечения санитарно-эпидемиологического благополучия населения действующие в районах и городах Центры уделяют особое внимание оценке качества воды.

Однако и гражданам необходимо более внимательно относиться к столь важному вопросу, избегать использования воды из незаконных и сомнительных источников.

Хамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ.

НЕПРАВИЛЬНО ВЫМЫТАЯ

ЗЕЛЕНЬ МОЖЕТ СТАТЬ ИСТОЧНИКОМ СЕРЬЕЗНЫХ ПРОБЛЕМ

Начальник отдела надзора по гигиене питания Управления Роспотребнадзора по Московской области Надежда Раева напоминает, что проблемы с зеленью могут возникнуть вследствие несоответствия требованиям по санитарно-химическим показателям, возможно также появление паразитов в этой продукции передает.

"Требования по санитарно-химическим показателям - это содержание токсичных элементов, которые поступают из почвы в саму продукцию и накапливаются в ней. В прошлом году у нас 1,1% продукции не соответствовала требованиям, и прежде всего несоответствие отмечалось по повышенному содержанию нитратов. Если зелень выращивается в необорудованных теплицах, где не соблюдаются требования безопасности, то в этой зелени могут обнаруживаться яйца гельминтов, которые, попадая в организм, могут вызвать заболевания - гельминтоз, аскаридоз. В прошлом году 0,3% исследованных образцов содержали яйца гельминтов, а это уже серьезная опасность для жизни и здоровья, потому что паразиты оказывают не только аллергическое воздействие, но и воздействие на внутренние органы: печень, почки и так далее. Все зависит от места локализации гельминта. Очень важна правильная обработка зелени. В прошлом году 2,2% исследованных проб не соответствовали требованиям по микробиологическим показателям, в основном это относится к нарезанной зелени, которая хранится и реализуется в индивидуальных упаковках. Зачастую ее просто достают из пакета и употребляют, но мы рекомендуем эту зелень подвергнуть дополнительной обработке в домашних условиях - промыть проточной водой. А если даем ребенку, лучше обдать зелень кипятком. Чтобы избавиться от возможного содержания токсичных элементов, зелень желательно замочить с солью или уксусом, одна столовая ложка на литр воды. При замачивании в раствор уходит до 30% нитратов, кроме того, всплывают на поверхность яйца гельминтов", - говорит Раева. Диетологи советуют потреблять 100-150 граммов зелени ежедневно. Правда, необходимо помнить, что зелень сильно нагружает поджелудочную железу и кишечник. Эксперт подчеркивает: "У кого есть такие проблемы, комок зелени может вызвать расширение ампулы прямой кишки. Если не пить достаточно воды, то у больных с заболеванием прямой кишки, язвенными заболеваниями могут случиться обострения".

MEDdaily.ru.

ЭХТИЁКТОРЛИК ЗАРУР

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 23 май кундаги 2992-сонли қарорига асосан ҳар ҳафтанинг "Чоршанба" кунини ёнгилар профилактикаси кунини деб эълон қилинганлиги, ушбу қарорга асосан, туманда жойлашган маҳалла ва масканларда ҳафтанинг ҳар "Чоршанба" кунини ёнги хавфсизлиги бўйича тушунтириш ишлари олиб бориладиганлиги тўғрисида гапириб ўтилди.


Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг 40-баёнида 2020/2021 йил куз-киш даврида барқарор ишлашга таъриш таъминлаш мақсадида туманда жойлашган маҳалла ва масканлар ва кўп қаватли уйлари ёнгинга қарши ҳолатини ўрганиб чиқиши газ мосламалари ва дудбуронларни созилига аҳамият берилиши тўғрисида тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йилдаги 901-сонли қарор ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокимияти қошида ишчи гуруҳлар ташкил этилиб маҳаллаларда жойлашган аҳоли яшаш уйлари, кўп қаватли турар жой биноларини хонадонлари ҳамда масканларда хавфсизлик ва ёнги хавфсизлиги қоидаларига риоя этиши, ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш, хонадонларга ўрнатилган дудбуронларни ўз вақтида техник қўриқдан ўтказиш, носоз дудбуронлардан, кўп бола ясалган ностандарт электр иситиш мосламаларидан, ўрнатилган газ плиталардан хонадонни иситиш мақсадида, газ мосламаларига резина шланг уламаслиги, хонадонларда ўтин, кўмир ва бошқа қаттиқ ёқилғи билан иситиладиган печалардан фойдаланмаслиги бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Хасан САБИРОВ,
Миробод тумани ФВБ
инспектори, катта сержант.

НОВОСТИ

НОРИСТЕРАТ ОТ ЮНФПА

Фонд ООН в области народонаселения (ЮНФПА) передал Республиканскому центру Репродуктивного здоровья населения 279400 ампул препарата Нористерат и 279400 шприцев общей стоимостью в 362464 долларов США.



Торжественная церемония передачи препарата состоялась в Республиканском центре Репродуктивного здоровья населения для дальнейшей отправки препарата в регионы республики Узбекистан. Данный препарат является единственным средством контрацепции для женщин, которые не могут использовать другие меры контрацепции, например, из-за нарушения усвоения активных веществ из желудочно-кишечного тракта или из-за непереносимости эстрогена.

Нужно отметить, что Республиканский центр репродуктивного здоровья населения, являясь постоянным партнером ЮНФПА в течении многих лет, внедряет в практику инновационные репродуктивные технологии, совершенствует работу региональной системы, обеспечивает интеграцию с первичными медицинскими учреждениями и специализированными медцентрами.

В торжественной церемонии передачи медицинских препаратов приняли участие начальник Главного управления охраны материнства и детства Министерства здравоохранения М.Садыков, представитель ЮНФПА в Узбекистане г-н Ю Ю, и директор Республиканского центра репродуктивного здоровья населения Ш. Зуфарова и другие.

Деятельность ЮНФПА в Узбекистане началась в 1993 году и на сегодняшний день агентство осуществляет пятую Стратегическую Программу (2020-2025 гг.) в тесном сотрудничестве с национальными партнерами. Планирование семьи входит в число приоритетных направлений организации на ближайшие пять лет.

Назокат ФАЙЗУЛЛАЕВА.

СУРАГАН ЭКАНСИЗ

СИНОВ ДОИРАСИДА БОЛАЛАРГА ВАКЦИНА ҚИЛИШ МУМКИНИ?

Синов давридаги вакцина 18 ёшдан кичик бўлганларга қилинмайди. Болаларда қўллаш йўриқномаси III фаза тадқиқотларидан кейин аниқ бўлади.

- Кимларга клиник синовлар доирасида коронавирусга қарши вакцинани қўллаш мумкин эмас? Қарши курсатмалар борми?

- Айни дамда вакциналарнинг синови фақат соғлом одамларда олиб борилади, яъни касаллик тарихида вакциналар ва уларнинг таркибидаги моддаларга аллергия реакцияга эга бўлмаган, COVID-19 ни юқирмаган бўлиши лозим. Шунингдек, автотимун ва саратонга чалинган беморлар, ўткир ва сурункали касалликлари мавжуд бўлганлар ва ҳомиладор аёллар ҳам синовда қатнаша олмайдилар.

- Агар касалликдан кейин иммунитет фақат 3-6 ой давомида организмни ҳимоя қилса, демек вакцина ҳам коронавирусдан тўлиқ ҳимоя қилмайди, шундайми?

- Иммунитетнинг қанча муддат организмни ҳимоя қилиши қўллаб факторларга боғлиқ. Булар одам геноми, унинг иммунитет хусусиятлари, касалликнинг қандай ўтишига қараб белгиланиши мумкин. Шу ўринда иммунитет турлари ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш фойдадан холи бўлмасди. COVID-19 вируси билан касаллангандан сўнг ҳосил бўлган нейтралловчи антитаналар 3-6 ойгача фаол ҳолатда бўлади, лекин иммунитет туридан бири бўлган хотира ҳужайралари мавжудлигини унутмаслик лозим. Ушбу турдаги



хужайралар бир неча йиллар давомида сақланиб қолади ҳамда вирус организмга қайта кирганда тезлик билан иммун жавоб бериши мумкин. Фақатгина касаллик энгил ўтган инсонларда хотира ҳужайралари ҳосил бўлмаслиги ва инфекция қайталаниши кузатишмоқда.

ZF-UZ-VAC 2001 рекомбинант вакцинаси вирус билан зарарланганда ҳосил бўлган нейтралловчи антитаналар миқдори табиий касалланишда пайдо бўлган антитаналар миқдоридан ўртача 2 марта юқорироқ эканлиги I ва II фаза синовларида исботланган. Шунингдек, хотира ҳужайралари ҳосил бўлиши клиник олди синовларда маълум. Шу сабабдан ҳам ушбу вакцинadan фойдаланиш, коронавирус юртимизда пандемиясини бартараф этишда қўл келади деган хулосадими.

ZF-UZ-VAC2001 вакцина синовлари жараёнлари билан боғлиқ саволларга Инновацион ривожланиш вазирлиги музаффар Илгор технологиялар маркази илмий ходими Музаффар Муминов жавоб берди.

t.me/malhamssb

КЎЧМА ДИАГНОСТИКА МАЖМУАСИ ТОПШИРИЛДИ


Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматида бўлиб ўтган тадбирда Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари ОИВ/ОИТСнинг олдини олиш, назорат қилиш

ва техник ёрдам кўрсатиш Дастурлари доирасида Россия Федерацияси томонидан Ўзбекистон Республикасига 300 минг долларлик кўчма диагностика мажмуаси топширилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Ушбу кўчма диагностика мажмуасининг ёрдами билан республикамизнинг чекка ҳудудларида яшовчи аҳоли юқумли касалликларнинг белгилари, юқиш йўллари тўғрисида ўз вақтида маълумот олишлари мумкин. Шунингдек, улар ўша жойнинг ўзида турли касалликлар бўйича текширувдан ўтишлари мумкин бўлади. Бу эса ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятини яратди.

Тадбирда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги фавқуллоҳ ва мухтор элчиси Владимир Тюрденев, БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси раҳбари Хелена Фрейзер, Россия Федерациясининг "СПИД Инфосвязь" жамғармаси директори Елена Перишкина, UNAIDSнинг мамлакатдаги ваколатхонаси менежери Чарос Максудова ҳамда тегишли ташкилотларнинг мутасадди вакиллари иштирок этди.


Кўчма диагностика мажмуаси диагностика процедуралари, тест синовлари, шунингдек, тиб-



бий кўрик, профилактика кўригидан ўтказиш ва республиканинг бориш қийин ва чекка ҳудудларида яшовчи аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган. Бундан ташқари, кўчма даволаш-профилактика модули – тиббий ва ёрдамчи ускуналар билан жиҳозланган кўчма тиббий мажмуаси бўлиб, ҳар қандай иқлим шароитида юқори ташхис қўйиш қобилияти

билан ишлайди, тиббиёт ходимлари учун ҳам, текширилаётган беморлар учун ҳам юқори даражадаги қулайлиқни таъминлайди. Шу билан бирга биологик намуналарнинг санитария-гигиена ва эпидемиологик талабларга мувофиқлигини таъминлайди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки кўчма диагностика мажмуаси инструментал, лаборатория, функционал ва ультратовуш ди-



агностикаси учун тиббий ускуналар тўплами билан жиҳозланган. Лаборатория жиҳозлари, функционал диагностика билан жиҳозланиш мобил клиникаларни офлайн режимда ишлатиш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини беради. Мобиллабораторияларнинг мобил алоқа хизматларининг йўналишларидан бири бу аҳолининг заиф

қатламларини ОИВ/ОИТС, гепатитни текшириш ва маслаҳат хизматларидаги киришини таъминлашдир.

Тадбирда иштирокчилар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди. Шундан сўнг Республика ОИТСга қарши курашиш маркази директори кўчма диагностика мажмуаси сертификатлари ва калитлари тақдим этилди.

Ушбу кўчма мини-шифохоналар чекка ҳудудларида яшовчиларга асосий тиббий хизматлардан, шу жумладан ОИВ инфекциясини текшириш ва олдини олиш хизматларидан фойдаланиш имкониятини бериш учун ажойиб восита.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

Ўзбекистон - Россия

СИРДАРЁ ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ ҚАЧОН, ҚАЕРДА “COVID-19” ИНФЕКЦИЯСИГА ҚАРШИ ЭМЛНАДИ?

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) дунёда ўтган ҳафта ичида коронавирус билан касалланиш ҳолатлари кўпайганини эълон қилди.

Тақдим этилган маълумотга кўра, ўсиш даражаси 2 фазини ташкил этиб, энг кўп янги ҳолатлар Африкада, Шарқий Ўрта ер денгизи, ва Европа мамлакатларида қайд этилган.

Хўш, бу борада Сирдарёда аҳоли қандай? “COVID-19” га қарши эмлаш тадбирлари қачон бошланади ва қимлар биринчи галда эмланади? деган савол ҳар биримизда туғилиши шубҳасиз. <http://t.me/malhamssb> ижодий жамоаси шу ва шунга ўхшаш саволларга жавоб топиш мақсадида Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошқалигининг биринчи ўринбосари Акбархон Мирзохоновага мурожаат қилди.

“Тўғриси айтиш керак. Сирдарёдаги эпидемиологик вазият барқарор, кун сайин яхшиланиб бормоқда. Ҳар хил ваҳимали хабарларни тарқатишга асос йўқ. Вилоятда “COVID-19” инфекцияси билан касалланган беморларни даволашга мўлжалланган муассасалар фаолияти тўхтатилган. Даволашга муҳтож,

“COVID-19” инфекцияга чалинган беморлар виллоятда йўқ. Ўткир респиратор, мавсумий аллергия касалликлари билан касалланган беморлар чиқиб турибди. Уларнинг ҳам аҳоли яхши. Мухими, мутахассисларимиз аҳоли саломатлигини асраш борасида изланишлар олиб боришяпти.

Сирдарё вилоят аҳолиси “COVID-19” инфекциясига қарши қачон қаерда эмланади?

Сирдарёда эмлаш ишлари март ойининг учинчи 10 кунлигидан бошланиш режалаштирилган. Эмлаш ишлари соғлиқни сақлаш тизимидаги кўп тармоқли марказий поликлиника, оилавий поликлиника, оилавий шифокор пунктларида ва мобил гуруҳлар томонидан амалга оширилади. Худудий амбулатория-поликлиника хизмати томонидан эмланадиган кун, вақт ва жойи ҳақида аҳолига хабар берилади. Эмлаш ишларини эса махсус тайёргарликдан ўтган, алоҳида сертификатларга эга бўлган вакцинадорлар амалга оширилади.

Аҳолининг қайси қатламлари биринчи навбатда эмланади?

Март ойининг учинчи 10 кунлигидан бошлаб биринчи навбатда юқиш хавфи жуда юқори бўлганлар: 65 ёшдан катта бўлганлар (65-74, 75-84, 85 ёш ва ундан юқори), тиббиёт ходимлари, сурункали касалликлар билан диспансер назоратида турувчилар, қуролли кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, журналистлар, блогерлар, ОАВ ходимлари, транспорт ходимлари, мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларда хизмат қилаётган ходимлар, чет давлатларда таҳсил олувчи талабалар, меҳнат мигрантлари кетма-кетликда эмланиш режалаштирилган. Шундан кейин аҳолининг бошқа қатламлари ҳам қамраб олинади. Ушбу фуқароларнинг рўйхати электрон шакллари тайёрланмоқда.

“COVID-19” инфекциясига қарши қандай вакциналар Сирдарёда қўлланилади?

Россия Давлатининг ГАМА-ЛЕЯ институтида ишлаб чиқарилган “СПУТНИК -V”, Буюк Британия Давлатида ишлаб чиқарилган “astra zeneca” ва Хитой Давлатида ишлаб чиқарилган “ZF-2001” вакциналари қўлланилади.

Аҳолининг эмлаш тадбирлари тайёргарлик ишлари қан-

дай олиб борилмоқда?


Вилоятдаги туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларида эмлаш пунктлари тайёр ҳолатга келтирилган ва эҳтиёт қоралари учун зарур дори-дармон захиралари яратилган, ҳар бир пунктларда эмлаш бригадалари ташкил этилган, тегишли мутахассислар (умумий амалиёт шифокорлари, врач реаниматологлар, вакцинадорлар ва дублёр тиббиёт ходимлари) бикриштирилган.

Ушбу тадбирларни олиб бориш учун тиббиёт ходимлари махсус тайёргарликлардан ёки ўқув машғулотлари ўтказилганми?

Барча иммунизация ишлари билан шуғуллануви тиббиёт ходимлари “COVID-19” инфекциясига қарши эмлаш юзасидан қайта тайёргарликлардан ўтказилди, ҳар бир ҳудудларда тиббиёт ходимлари учун ўқув-семинарлар ўтказилди.

Вакцина хавфсизлигининг таъминланганлиги ҳолати қандай?

Ушбу вакциналар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сертификатини олган, дунё бўйича ҳозирги кунда 100 дан ортиқ давлатларда ушбу вакцина муваф-



фақият қўлланиб келинмоқда.

Вилоятимиз аҳолисини ушбу вакциналар билан эмлаш пулли асосдами ёки бепулми? аҳоли эмланиши мажбурийми?

Ушбу вакцина бошқа вакциналар қатори бепул амалга оширилади. аҳоли ўзини эмлатиши ихтиёрий тарзда амалга оширилади.

Аҳоли ўзини ушбу вакцина билан эмлатиш учун қимларга ва қаерга мурожаат этишлари мумкин?

Аҳоли ўзлар яшаб турган ҳудуддаги даволаш профилактика муассасалари (поликлиника, оилавий шифокор пунктлари)га ва ўша ҳудуддаги шифокорларга мурожаат этишлари мумкин.

Сўхбатдош
Ғулом ПРИМОВ.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган кўл ёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371)
233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг
11 март кунини рўйхатга олинган. Гувоҳнома
рақами 0015.

Газета материаллари тахририят
компьютер марказида
терилди ва сақланган.

Адади 1024 нусха
Буюртма Г - 340

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табак. Формати А3. Оффсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Намоз Толипов.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.